

Нилуфар Намазова, Ўзбекистон

Халқаро ислом академияси доценти

ТУРКИСТОНДА МАТБУОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Мақолада Туркистонда деворий газеталарнинг социализм қурилишидаги ўрни таҳлил қилинади. Деворий газеталар ташвиқот воситаси сифатида халқ ва ҳукумат ўртасида алоқа кўприги вазифасини бажарган. Уларнинг жамоатчиликни фаоллаштиришдаги таъсири кенг ёритилган.

Калит сўзлар: деворий газета, Туркистон, ташвиқот, мухбир, матбуот

Аннотация. В статье рассматривается роль стенных газет в строительстве социализма в Туркестане. Эти издания служили мостом между властью и народом, выполняя агитационные и просветительские функции. Анализируется их влияние на активизацию общественности.

Ключевая слова. Стенная газета, Туркистан, агитация, пресса, народ корреспондент.

Nilufar Namazova, Uzbekistan

Associate Professor, International Islamic Academy of Uzbekistan

THE ROLE OF WALL NEWSPAPERS IN THE DEVELOPMENT OF THE PRESS IN TURKISTAN

Annotatsion. The article explores the role of wall newspapers in the construction of socialism in Turkestan. These publications acted as a communication bridge between the government and the people, promoting ideological engagement. Their impact on public mobilization is critically analyzed.

Key words: Wall newspaper, Turkestan, propaganda, correspondent

КИРИШ

Туркистонда 1918 йилда болшевиклар матбуоти ташкил қилинган, уни ривожлантиришда бир қанча йўллар билан борилди. Газеталарни ташкил этишда жидид зиёлилари ишга олинди. Энди шўро кадрларини тайёрлаш масаласи дидзарб бўлиб турарди. Бунинг учун деворий газеталардан унумли фойдаланилди. Туркистонда ҳам матбуот социализм қурилишида энг муҳим

восита бўлиб хизмат қилиши керак эди. Аҳолининг газета ўқийдиган катлами озчиликни ташкил қилар эди. Шунинг учун биринчи ўринда, фирка, ҳукумат идораларида ишлайдиган ходимлар газета ишига жалб қилинди. 1920 йили матбуот ходимларининг биринчи съездида ҳамма жойларда партия, касаба союзлари ва бошқа ташкилотларда адабий коллегияларин вужудга келтириш, шўролар ва фирка масъул хизматчиларини газеталарга тартибли равишда мухбирлик этиб туришга мажбур этиш¹ кўрсатмаси берилди.

Матбуот кенг халқ оммаси учун нашр этилиши, омма фикри-зикрини, ўй-интилишларини, орзу умидларини ифода қилишидагина эмас, балки айна чокда шу кенг халқ оммасининг матбуотда ўзи фаол иштироки билан ҳам номоён бўлиши, ишчи-деҳқонлар матбуотнинг асосий муаллифи бўлиши лозим эди. Ленин кўрсатмалари асосида ишчи деҳқон мухбирлари кўнгилли ҳаракатини ривожлантириш, уни социалистик қурилишнинг муҳим факторига айлантириш лозим эди. Бу иш бутун совет даврида матбуотнинг ленинча оммавийлик принципи дея улуғланди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон К(б)Пнинг 1925 йил март ойида бўлган I съезди “Матбуот соҳасида” деб аталган қарорида: “Матбуот органларимизнинг қишлоқ ва шаҳарнинг кенг аҳоли оммаси билан алоқа воситаси бўлган ишчи мухбирлари, деҳқон мухбирлари ва ёшлар мухбирлари шаҳобчалари изчил ташкил қилиниб борилсин. Мухбирлар армиясининг маданий-сиёсий савияси ва обрўси оширилсин”, деб кўрсатди.

Шўро ҳокимияти матбуотга ходимлар тайёрлашда, халқни газетага жалб қилишда, “халқни ҳукумат билан яқинлашдириш”да деворий газеталардан самарали фойдаланди. Социализм қурилишида деворий газеталар энг муҳим ташвиқот-тарғибот воситаси бўлди. Янги мафкура билан қуролланган мухбирлар армиясини шакллантиришда улар бошланғич мактаб вазифасини ўтади. “Деворий газеталар бир томондан матбуотга ўқувчилар етишдирсалар, иккинчи томондан ёзувчиларни, яъни омманининг энг яхши

¹ Матбуот хизматчилари съездида қабул этилган қарорлар.// Қизил байроқ. 1920-йил 21 декабр.

табақасидан мухбирлар етишдирадирлар”², дейилади матбуотда чоп этилган мақолади.

Зиё Саид “Деворий газета буюк ўктябр ўзгаришининг бизга берган энг тотли самарасидир”³, дейди. Бошқа мақола муаллифи эса деворий газеталар “ўзгаришгача ишчиларни уюшдириш, уларнинг синфий, сиёсий онг-фикрларини ортдириш, инқилобга тайёрлашда катта рол ўйнадилар. Ўзгаришдан кейин уларнинг аҳамияти яна ҳам ортди”⁴, дея юқори баҳо беради.

Зиё Саиднинг таъкидлашича, 1923-1925 йилларга келиб, Туркистонда ҳам деворий газеталарга эътибор кучайди. Матбуотда деворий газеталарни ташкил этиш, бошқариш бўйича кўрсатмалар бериб борилди. 1925 йилда чоп этилган мақолада деворий газетанинг вазифалари: “завод, фабрикаларда, қонларда, ҳукумат муассасаларида ишчилар билан идоралар ўртасидаги, қишлоқларда деҳқонлар билан ҳукумат ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш”, “эски турмушнинг қолғон қутқанлариға, саводсизликка, диний хурофотларға қарши кураш”иш, “янги турмушнинг йўлларини”, “фирқа, ҳукуматнинг ҳамма фармон, буйруқ, қонун ва тадбирларини амалга ўтказишга, айниқса, ҳар хил компанияларда халққа компаниянинг мақсад ва вазифаларини, аҳамиятини тушунтиришга ёрдам кўрсатиш”, “омма ўртасида ташвиқот-тарғибот юргизиш, уларни фирқа, ҳукумат атрофига уюшдирадириш” сингари ишлар деб кўрсатилган⁵. Деворий газеталарни “таракқий қилдириш” шаҳарда ёки туманда уларнинг кўргазмаларини (“вистафка”) ўтказиш, умумийиғилиб чиққан газеталарни муҳома қилиш, кенг омма ўртасида деворий газета нималигини тушунтириш, фикр тарқатиш учун 5 май – матбуот кунида, “деворий газетанинг 2-3 йил тўлиши кунида” ёки 50-сони, 100-сони чиққанда мажлис ва кечалар, мусобақалар ўтказиш орқали амалга оширишни таклиф қилади.

² Нурмат. Деворий газеталар. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 27 ўктябр.

³ Зиё Саид. Бурунги вақтли матбуот тарихига матеиаллар. Самарқанд: Ўзбекистон Давлат нашриёти. 1927. 163 бет.

⁴ Нурмат. Деворий газеталар. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 27 ўктябр.

⁵ Нурмат. Деворий газеталар. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 27 ўктябр

Бу таклифнинг ижросини 1926 йил матбуотда чоп этилган мақолада кўриш мумкин. Шу йили 9 февралда марказий ишчилар клубида эски Тошкандда чиқадиган деворий газеталар кўргазмасининг ёпилиш маросими бўлади. Кўргазма 5 январда очилиб, 20 январгача давом этган. 20 январда Самарқандда ўтказилган маориф ходимларининг курултойи муносабати билан Самарқандга кўчирилган. Ўн кун давомида газеталарни мингдан ортиқ киши ўқиган. Кўргазмада ғолиб газеталар мукофотланган: “Бинокорлар ячейкасида чиқадирғон “Ёш ишчилар” газетасига 1 йиллик “Қизил Ўзбекистон” ҳамда “Коммунист” журнали билан 48 тахта катта қоғоз, бир шиша сиёҳ, 2 кути ранг, чўтка ҳам қалам, “Хотун қизлар овози” газетасига 4 ойлик “Қизил Ўзбекистон” ҳам “Коммунист” журнали, 12 тахта қоғоз, бир шиша сиёҳ, чўтка ҳам ранг, кашшофларнинг “Қизил аланга” газетасига 8 тахта катта қоғоз, бир шиша сиёҳ ҳам бир қалам берилди...”⁶ Кейин эски шаҳарда чиқадиган газеталарни бошқариб бориш учун бюро сайланади. Комилжон Алимов унга фахрий аъзо ҳам бюро раҳбари этиб тайинланади.

НАТИЖАЛАР

1926 йили ўтказилган мухбирлар курултойидан кейин матбуотда катта ўзгаришлар бўлди. Мухбирлар кўпайди, деворий газеталар кутилмаган даражада ҳамма ерда чиқа бошлади. Ташкилотлардан, катта маҳаллаларда деворий газета чиқаришга, хабарчилик қилишга оммада ҳаракат кучайди. Деворий газета ёнинда мухбирлар тўгараги ташкил қилинди.⁷

1927 йили матбуотда босилган мақолада “Мухбирлар тўгарагини деворий газеталар қошида тузишга ҳаракат зўр. Бунга Тошканддаги ҳаракатни мисол қилиб кўрсатсак бўлади. Тошканднинг ўзида сўнгги ойларда 20 лаб деворий газеталар қошида мухбирлар тўгараги ташкил қилинди”⁸, дейилади. Зиё Саид деворий газеталарга ўша даврда фирқа ва катта газеталар раҳбарлик қилганини ёзади.

⁶ Н. Деворий газеталар кўргазмаси. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 17 феврал.

⁷ Биринчи мухбирлар семинарияси // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1927 йил 8 май.

⁸ Ўзбекистоннинг матбуот қўшунлари ҳаракати. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1927 йил 5 май.

Унинг таъкидлашича, Коммунистлар фирқасининг: “Фирқа ҳам комсомул ячейкасининг шаҳар ва қишлоқдаги энг муҳим ишларидан биттаси деворий газета ишларини уйишдириш бўлиши керак”, деган кўрсатмасидан кейин “деворий газета чиқариш иши шундай муҳим ўрун тутдиким, қайси бир уюшманнинг деворий газетаси бўлмаса, ул уюшманиннг иши сушта ўхшаш кўринадурғон бўлди... Айниқса, бу иш Ўзбекистон мухбирларининг биринчи қурултойларидан кейин жуда ҳам кучайди... Ёза билувчиларгина эмас, ҳатто ёзишни билмаганлар ҳам бошқаларга ёздириб ўз тилакаларини газеталарга юборадирлар. Бу билан қишлоқ ўзининг жонсиз даволдан ўз камчилигини эшитадурғон, унга қараб етишсизликларини тузатудурғон бўлди. Бугина эмас, ижроқум раиси қишлоқ талабини бир чеккага иргитиб туриб, улоқ чопишга, гап ейишга, тўй-томошаларда ўйнаб юришга “жонсиз девор”дан ҳайиқадаурғон бўлди. Шундай қилиб, ўлкамизда ўктябрдан илгариги 2 минг соқов девол ҳозирги кунларда тилга келди... 2000 адад деворий газета янги тилаклар билан майдонга чиқди”.

Деворий газетага қўйиладиган талаблар: у омманинг “энг пастки табақасига бағишланган” бўлиши; мақолалар босилган вақтига тааллуқли бўлиши; “кичик жумлалар билан ёзилиб, шу жумла кўб маъно англатадурғон” бўлиши; “ҳар масалада сиёсий жиҳатдан оммага яқин” бўлиши; “техник жиҳатдан унча катта бўлмасин (чап томондан ўнг томонга узун бўлса ҳам, аммо пастдан юқориға томон бир-бир ярим газ бўлса яхшидир); “унда ҳар кимнинг эътиборини жалб қиладирғон шиорлар бўлиши”; “одамлар кўброқ юрадирғон йўллариға деворға қўйилиши”; “қаерда чиқса, ўша ердаги одамларнинг ҳаммаси иштирок этиши” лозим деб белгиланди.⁹

ХУЛОСАЛАР

Хулоса қилиб айтганда, деворий газеталар матбуотнинг бошланғич бўғини сифатида кенг тарғиб қилинди. Ҳар йили деворий газеталар учун кўргазмалар, турли тадбирлар ташкил этилди. Улар моддий

⁹ Нурмат. Деворий газеталар. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 27 ўктябр.

рағбатлантирилди. Бу матбуотда доимий ёритиладиган мавзулардан бирига айланди. Масалан, 1926 йили “Қизил Ўзбекистон” газетасида чоп этилган мақолада шундай дейилади: “Вилоят ва марказий газеталарга мухбирлар етқариб беришда зўр ўрун тутқон деворий газеталар ҳозирги вақтда яхшилаб илдиз отмоқда. Бироқ бу ўсиш деворий газеталарнинг сон жиҳатиға бўлиб сифат ёғидан қониқарлиқ эмас. Маҳаллий деворий газеталарининг энг зўр вазифаси пастки ишчи деҳқон оммасини деворий газета атрофига тўплаш, уларни газетага ёзишға ўргатиш, уларни тарбиялаш ва шу йўлда тезтез мажлислар ўтказишдан иборатдир.”¹⁰

Деворий газеталарга эътибор қаратиш уларнинг қошида тўғараклар ташкил этилмаган бўлса, ташкил этиш, деворий газетага ёзиб турувчи мухбирларни қўпайтириш, клуб, қироатхона, Ленин бурчаги, қизил чойхона ва шундай оқартиш уйларида деворий газеталарнинг кўрғазмаларини ташкил этиш каби ишларни қилиш вазифаси қўйилди.¹¹

1927 йилда В.К.Ф.(б)ўрта Осий бюросининг пленумида қилинган маърузада “ишчи-деҳқон мухбирлар ҳаракати ва деворий газеталарнинг ниҳоят даражада тез ўсиши (ёлғиз бир эски Тошкентнинг ўзида юзга яқин деворий газета бор) олдимизға бир мунча масалаларни келтириб қўйдиким, булар ҳалигача тугал равишда ҳал бўлғонлари йўқ” деб ахборот берилди.¹²

Матбуотда деворий газеталарга раҳбарлик ишларига эътиборсизлик қилинаётгани танқид қилинди. “Фирқа ячейкалари, маҳаллий қўмиталар раҳбарлик қилишни унутғонлар”¹³

Шу тарзда совет ҳукумати ташвиқот усулларида бири сифатида деворий газеталардан ҳам унумли фойдаланди. Матбуот учун кадрларни, жамоатчи мухбирларни тайёрлашда улар мактаб вазифасини ўтади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

¹⁰ В.Валиев. Деворий газеталар ҳақида. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 12 ноябр

¹¹ Меҳнаткашлар матбуотининг 10 йиллик ҳайити олдидан. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 12 ноябр

¹² Матбуотнинг ҳоли ва унинг олдида турғон вазифалар. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1927 йил 28 январ

¹³ Деворий газеталарга раҳбарлик кучайтирилсин. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1927 йил 8 май

1. В.Валиев. Деворий газеталар ҳақида. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 12 ноябр
2. Меҳнаткашлар матбуотининг 10 йиллик ҳайити олдида. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 12 ноябр
3. Матбуотнинг ҳоли ва унинг олдида турғон вазифалар. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1927 йил 28 январ
4. Деворий газеталарга раҳбарлик кучайтирилсин. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1927 йил 8 май
5. Нурмат. Деворий газеталар. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 27 ўктябр.
6. Н. Деворий газеталар кўргазмаси. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 17 феврал.
7. Биринчи мухбирлар семинарияси // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1927 йил 8 май.
8. Ўзбекистоннинг матбуот кўшунлари ҳаракати. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1927 йил 5 май.
9. Зиё Саид. Бурунги вақтли матбуот тарихига матеиаллар. Самарқанд: Ўзбекистон Давлат нашриёти. 1927.
10. Матбуот хизматчилари съездида қабул этилган қарорлар.// Қизил байроқ. 1920-йил 21 декабр.
11. Нурмат. Деворий газеталар. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 27 ўктябр.